

**Ўзбекистон ҳукумати Исломга қаттиқ адоватда ва табиийки,
“Ҳизб ут – Тахрир”га ҳам ашаддий душмандир**

Ўзбекистон золим режими бошқарувчиси президент Каримов Исломга ва Исломга чақиравчи ҳар қандай даъватчиларга қаршиидир. Унинг бундай душманлиги бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Чунки унинг Исломга қарши адовати ўтган асрнинг 90 – йилларидан буён давом этиб келаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Яъни ушбу минтақада “Ҳизб ут – Тахрир” фаолият юргиза бошлаган вақтлардаёқ очик сезилиб келган. Ўша даврларда, “Ҳизб ут – Тахрир” ўз фаолиятини олиб борар экан, золим Каримов Ҳизб йигит ва қизларини кенг кўламда қамашни бошлади. Бундай қамашлар ҳозиргача тўхтатмагани ва Каримов қамоқларига ташланган Ҳизб аъзоларининг сони 8 мингга етиб қолгани ҳаммага маълум. Албатта, Каримов “Ҳизб ут – Тахрир”га нисбатан, унинг сиёсий ҳизб эканини ва ушбу Ҳизб ҳеч қандай моддий ҳаракатлар билан шуғулланмаслигини билган ҳолида қаршилик қилиб келмоқда. Диктатор Каримов буни яхши билади, лекин унинг Исломга нисбатан шахсий адовати, қалбидаги ғарази уни Ислом ва Исломга чақиравчиларни қаттиқ ёмон кўришга, уларга қарши бор имконияти билан курашишга уннади. Хусусан, агар даъват сиёсий йўналишда бўлса, унга қарши жуда қаттиқ тарзда душманлик қилди.

Золим Каримовadolatli din bўlgan Ислом даъватчиларини қамоқларга ташлаш, турли азоблар бериш билан кифояланиб қолмасдан, қўл остидаги бошқарув режимига хизмат қилувчиларни ҳам Исломга чақиравчиларга қарши қонунларни кучайтиришни буюрди. Натижада Исломга даъват қилиш айби билан айблангандарга бериладиган қамоқ муддатлари узайтирилган холда 15, 10, 7, 5 йилларга озодликдан маҳрум қилиш ҳукмлари бериладиган бўлди. Ва бундан ташқари жуда катта миқдорда жарималар солинди. Қамоқларда муддатлари тугаганларни эса, озодликка чиқармасдан, “Ҳизб”га қарши

курашишга рози бўлишга мажбурламоқда, фақат шундагина қамоқдан чиқариши мумкинлигини, агар рози бўлмаса жазо муддатини янада узайтириб, қўшимча жазо қўшиб қўйишини айтмоқда. Бундай хоинликка рози бўлувчилик топилавермаганидан кейин, жазо муддати тугаб қолган мусулмонлардан озодликка чиқиб, “Ҳизб” ишларига қайтмаслик ҳақида тилхатлар ёзишга мажбурламоқда. Лекин бундай тилхат ёзадиганлар ҳам деярли йўқ дейиш мумкин. Ана шунинг учун ушбу режим қамоқларидан Ислом даъватчилари, хусусан “Ҳизб ут – Тахрир” йигит ва қизларининг озодликка чиқарилиши жуда камдан кам учрайдиган бир ҳолат бўлиб қолди.

Золим Каримов бу кўринишдаги қамоқлар ва қамоқ муддатлари тугаганидан кейин ҳам, қўшимча муддат қўшиб қўйишлир билан чекланмади. Балки, ўзининг қамоқхоналардаги нозирларига буюриш орқали, мусулмонларни қамоқдалик ҳолатларида ҳам, турли азоблар, инсон чидай олмайдиган даражадаги қийноқлар бериш, бундай зулмлардан баъзиларини айтиб ўтадиган бўлсак, намоз ўқиши хоҳлаган маҳбусни намоз ўқишдан бутунлай ман қилиш ва агар намоз ўқиса қаттиқ жазолаш, мусулмонларга, хусусан “Ҳизб ут – Тахрир” йигит ва қизларига мажбуран, таналарига тузалмайдиган оғир касалликларни юқтириш, эмлаш каби зулмлар билан, ўзининг мусулмонларга нисбатан қанчалик душман эканини кўрсатиб келмоқда.

Каримов тинимсиз равища мусулмонларни қамоққа ташламоқда, ана шундай мусулмонлардан 70 нафарини шу яқин кунлар ичida ўз зиндонларига ташлади. Улардан баъзиларини, “Ҳизб ут – Тахрир” Исломий – сиёсий партиясига аъзоликда айбланиб қамалганларининг номларини санаб ўтамиш:

1. Марғилон шаҳридан, Қувасой шаҳар хоким ўринбосари Нодир исмли йигит, 1981 – йили туғилган – 3 йилга озодликдан маҳрум этилди.
2. Олтиариқ туман Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи Ҳайдаров Мирзаолим Имьяминович, 1979 – йили туғилган – 6 йил.

3. Вилоят Назорат Тафтиш Бошқармаси (КРУ) назоратчи тафтишчиси (ревизор) Эргашев Азизбек Ғуломович, 1983 – йили туғилган – 6 йил.
4. Олтиариқ туман Иқтисод коллежи ўқитувчisi Абдурахмонов Ахрор Мухаммаджонович, 1986 – йили туғилган – 6 йил.
5. Олтиариқ тумани Қизилтепа санаториясида фармацевт бўлиб ишловчи Илҳомжон исмли йигит, 1975 – йили туғилган – 10 йил.
6. Санъаткор оиласи фарзанди Мўминов Азизбек, 1989 – йили туғилган – 10 йил.
7. Маиший хизмат ходими Раҳмонов Азимжон, 1992 – йили туғилган – 6 йил.
8. Тадбиркор Мирзараҳмонов Абдужаббор Абдулхамидович, 1991 – йили туғилган – 5 йил.
9. Маиший хизмат ходими Мамаризаев Абдумўмин Мухаммаджонович, 1985 – йили туғилган – 6 йил.
10. Маиший хизмат ходими Мамаризаев Алишер Мухаммаджонович, 1991 – йили туғилган – 10 йил.
11. Хунарманд уста Бобоев Баҳридин Баҳтиёрович, 1985 – йили туғилган – 14 йил. Ёлғиз тартибда судланган.
12. Уч фарзанднинг онаси, (мутахассислиги мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси) Умаркулова Зумрад Эсажон қизи, 1974 – йили туғилган – 6 йил.
13. Тадбиркор Хотамжон ўғли Неъматилло, 1991 – йили туғилган – 1.5 йил шартли меҳнат жазоси ва катта миқдорда жарима.
14. Кувасой шаҳар хоким ўринbosарининг ҳайдовчisi – катта миқдорда жарима.

Эй мусулмонлар!

Кўриб турибсизки, бугунги кунда дунёning деярли ҳамма ерида Каримов ва унга ўхшаган давлат раҳбарлари, Исломга нисбатан очиқ душманлик қилмоқдалар ва бу ишларини “террорга қарши кураш” деб изоҳламоқдалар. Ва яна, соф Исломий ақида асосидаги хаётга, Халифалик давлатини тиклашга чакираётганларнинг ҳар қандай даъватни бутун оламга хавф, деб жар солмоқдалар. Бунинг учун турли келишувлар, шартномалар ва коалициялар тузишмоқда.

Аллоҳ Таъоло айтади:

يُرِيدُونَ أَن يُطْفُؤُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّا أَن يُتَمَّمَ نُورُهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ * هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينُ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ

“Улар (кофирлар) оғизлари билан Аллоҳнинг нурини учирмоқчи бўладилар, лекин агарчи кофирлар ёқтирмасалар ҳам, Аллоҳ ўзининг нурини тамомига етказишидан бошқа ҳар қандай ишидан бош тортади (яъни бу ишни албатта охирига етказади). У (Аллоҳ) агарчи мушириклар ёқтирмаса ҳам, Ўз Росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан ҳамма диндан устун қилиш учун юборган зотдир”. (Тавба. 32)

Шунинг учун, эй Ўзбекистон мусулмонлари! Дунёning қаерида бўлсангиз ҳам, куфрнинг бундай зулм ва макрларидан қўрқманг, чунки Аллоҳ сизлар билан биргадир. Албатта, тез кунларда Ислом нури оламга таралади, агарчи буни кофирлар ёқтирмасалар ҳам. Албатта, Ислом дунёдаги барча динлар ва мабдалар устидан, шу жумладан, хозирги кунда дунёning аксар давлатлари қабул қилган капиталистик мабда устидан ҳам ғолиб бўлади. Бу кун тез келишини Аллоҳдан сўраб қоламиз!

Агар Исломга қаршилик қилаётган мазкур золим Ислом душманлари Ислом динининг бошқарув тузуми бўлиб хаётга келиши оламларга раҳмат эканлигини билганларида эди, улар бундай қаттиқ адоват қилмаган, Ислом нурини ўчиришга ҳаракат қилмаган бўлар эдилар. Аллоҳ Таъоло айтади:

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

“Биз сизни факат оламларга раҳмат қилиб юбордик”. (Анбиё. 107)

Исломга қарши курашаётганлар Аллоҳ Таъолонинг қуидаги оятида айтилганларга мос тушадилар:

فُلْ هَلْ نُنَبِّهُكُمْ بِالْأَخْسَرِينَ أَعْمَالًا * الَّذِينَ ضَلَّ سَعْيُهُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ يَحْسِبُونَ أَنَّهُمْ يُحْسِنُونَ صُنْعًا

“Сиз: “Сизга амаллари юзасидан энг зиёнкорларнинг хабарини берайми? Улар бу дунё ҳаётидаёқ сайъи-ҳаракатлари ботил бўлган, ўзлари эса, гўзал иш қиляпман, деб ҳисоблайдиганлардир”, деб айтинг”. (Кахф. 103, 104)

Ғарб ва шарқ оламида кўплаб ақлли инсонлар, ўзларининг ота боболаридан қолган фикрларга бўйсунмасдан, Исломни соғлом ақллари билан ўрганиб кўрганлари Исломга инсоф билдириб, ушбу динга кирмоқдалар, бу ишлари билан улар ўзларига инсофли бўлдилар. Шундай кунлар келадики, ҳозирда Исломга қаттиқ душманлик қилаётганлар, ушбу дин ўз нусратига эришиб, илоҳий мабдаси билан, ҳақиқий адолати билан жамиятни бошқаришини, ушбу жамиятда яшаб кўрганларида, албатта, бу динни эътироф қиласидилар ва унга кирадилар.

Каримов дунёдаги мусулмонларнинг, хусусан Ўзбекистондаги мусулмонларнинг Исломга бўлган муҳаббатини, Исломий ҳаётда яшашга бўлган иштиёқини кўриб ҳис қилди ва бу уни қаттиқ ғазаблантириди, бу диндан қаттиқ қўрқа бошлади. Лекин у бу қўрқинчини яшириди ва мусулмон олимлари унинг тарафида қолиши учун, ўзини мусулмон уламоларига яқиндек кўрсатди. Унинг бундай ҳийласига учмаган олимларни эса, турли тухматлар билан қамоқларига ташлади, турли азобларни берди, хатто баъзиларини ўлдиртириб юборди. Унинг бундай зулмларидан унга бўйсуниб, унинг курашларига шерик бўлганларгина омонда бўлмоқдалар. Лекин қамоқлар, қийноқлар ёки ўлдиришлар инсонларнинг Исломий қаноатларини ўзгартира

оладими? Йўқ албатта! Баъзи олимлар ўзларининг хоҳиш истаклариға қарши тарзда сукут сақлашга мажбур бўлишмоқда. Қалбларида эса, бундай зулм ва золимларни ўзгартириш истаги тугён урмоқда. Ушбу истак уларнинг яқинлари, қўшнилари ва танишларининг қалбларида аламли оғриққа айланмоқда. Ушбу алам улардан бутун шаҳарларга, мусулмонлар оммасига ўтмоқда. Биз кўриб турибмизки, “Ҳизб ут – Тахрир” йигит-қизлари ва бошқа холис Исломий ҳаракатлар аъзолари ҳам, золимларнинг зулмлариға чиройли сабр билан жавоб бермоқдалар. Ва албатта, Аллоҳнинг нусратига аниқ ишонган ва унга эришиш учун курашаётган мўъминларнинг сафида турибдилар.

إِنَّا لَنَصُرُّ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ آمَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُولُ الْأَشْهَادُ

“Албатта, Биз Пайғамбарларимизга ва иймон келтирганларга бу дунё ҳаётида ва гувоҳлар турган кунда ҳам нусрат берумиз”. (Фоғир. 51)

وقال رسول الله صلى الله عليه وسلم : إِنَّ اللَّهَ رَزَوَى لِي الْأَرْضَ، فَرَأَيْتُ مَسَارَقَهَا وَمَغَارَبَهَا،
وَإِنَّ أُمَّتِي سَيِّلُنُّ مُلْكُهَا مَا زُرَوْيَ لِي مِنْهَا

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “**Аллоҳ менга ерни кўрсатди. Унинг машриқлари ва мағрибларини кўрдим. Ва менга кўрсатилган ерлар умматимнинг мулкига кирганлигини ҳам кўрдим**”. Муслим ривояти.

1436 ҳ.й. 26 – жумодус соний

15.04.2015 м.й

Ҳизб ут – тахрир, Ўзбекистон.